

Эрнинг хотини олдидаги муомалавий бурчлари (Иккинчи мақола)



11:00 / 13.07.2019 2615

Биз умматларга намуна бўлиб, Набий алайҳиссаломнинг ўзлари аёлларига гўзал муносабатда, доимо хурсандликда, уларни эркалаган, лутф кўрсатган ва нафақаларини кўпайтирган ҳолда яшаганлар.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари билан ҳазиллашиб, кулишар, улар билан самимий муомалада бўлар эдилар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: «У киши аёллари билан холи қолганларида энг мулойим, карамли, серкулги ва сертабассум киши бўлар эдилар», – деб айтганлар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан мусобақалашдим. Мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг менинг гўштим оғирлашганда, яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва: «Ҳалиги билан биру бир», – дедилар».

Аҳмад, Абу Довуд Насайй ва Ибн Ҳиббон ривоят қилганлар.

Қаранг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари Оиша онамиз розияллоҳу анҳо билан югуриш мусобақаси ўтказган эканлар. Бу югуриш мусобақаси пайтида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшлари эллик учдан ўтган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган кейинги югуриш мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Ийд куни эди. Қоралар қалқон ва найзаларни ўйнашар эди. Ё мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим ёки у зот:

«Томоша қилишни хоҳлайсанми?» - дедилар.

«Ҳа», - дедим.

У киши мени орқаларига турғиздилар. Ёноғим у кишининг ёноқларига тегиб турарди. У зот:

«Эй Бану Арфидалар, давом этаверинглар», - дер эдилар.

Бу ҳол то мен малол олгунимча давом этди. Кейин:

«Бўлдингми?» - дедилар.

«Ҳа», - дедим.

«Кетавер», - дедилар».

Бухорий, Муслим ва Насай ривоят қилганлар.

???? ?????????? ??????? ?????? ?????????? ??????????:

????? ?????????? ?????? ?????????? ?????????????????? ??????????

????????????? ??????????????. ?????????? ?????????? ?????? ??????????

????????????????? ?????????????? ?????????????????????? ??????????????????

??????: ??? ?????????? ?????????? ??????????.

????????? ?????????????? ?????????????? ?????? ??????????

????????? ?????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????????? ???

????????? ?????????????????? ?????? ?????????????? ?????????? ???:

????????? ?????????????? ?????? ?????????????? ??????????: ??????????????

????????? ?????? ?????????????????? ?????????????????? ?????????????? ???

????????? ?????????????? ??????????: ?????????????????? ??????????????

????????????? ??????????: ?????????? ?????????????? ??????????: ??????

????????????????? ?????????? ?????????????????? ?????????????? ??????????????????

????? ?????????????? ?????? ??????????. ??????????: ?????????????????.

????????????? ??????????????????????????

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Шовқин ва болаларнинг овозини эшитдик. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам турдилар. Қарасак, бир ҳабашия чилдирма чалиб, ўйин тушмоқда, атрофида болалар.

«Эй Оиша, бу ёққа кел, қарагин», - дедилар у зот.

Бориб, жағимни Расулуллоҳнинг елкасига қўйиб, у(ҳабашия)га томоша қила бошладим. У зот: «Тўймадингми? Тўймадингми?» - дер эдилар.

Мен у зотнинг ҳузурларида ўз манзиламни билиш учун «Йўқ», дер эдим.

Бирдан Умар пайдо бўлди. Одамлар у(ҳабашия)нинг атрофидан қочиб кетишди.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен инсу жиннинг шайтонлари Умардан қочганларини кўрмоқдаман», - дедилар.

Бас, мен қайтдим».

Термизий ривоят қилган.

Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳо кези келганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг бу сифатлари маъқул келар эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳазил-мутойибаларига ўзига яраша лутф ила муомала қилар эдилар.

Ибн Саъд «Тобақот» номли машҳур китобларида бу борада қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Савда розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Ё Расулаллоҳ, кеча ортингиздан намоз ўқидим. Шунчалар рукуъ қилдингизки, қон оқиб кетмасин, деб бурнимни ушлаб турдим», - деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. У аҳён-аҳёнда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эди».

لُؤْسَرَسَلَجَفَ، اَمْوِيَّةٌ دُوسَانُ تَرَا زَا: اَهْنَعُ هَلَلِ اِيضْرَةَ شِئَاعٍ تَلَقَ لِقَاقٍ عَمَلَسَ يَبْأَنَعُ
وَأَهْرِيحَ اَهْلُ تَلَمَعَفَ، اَهْرَجَحَ يَفِيحُ اَلْاَوِيحَ يَفِيهِ لَجْرِي دِحْ، اَهْنَبَوِي نَبْهَلَلِ
تَبْأَفَ، كَهَجَّ وَنَحَّ طَلَّ اَلْوَا يَلُكْ اَتَلُ تُلُقَفَ، تَبْأَفَ يَلُكُ تُلُقَفَ، اَهْرِيحَ لِقَاقٍ
نَمْ هَلْ جَرَهَلَلِ لُؤْسَرَعَفَرَفَ، اَهْجَوَهَبُ تَحَّ طَلَفَ اَيَّ شِهْ عَصَقَلِ اَمْ تَدَحَّ اَفَ
هَلَلِ لُؤْسَرَوِي هَجَّ وَهَبُ تَحَّ طَلَفَ اَيَّ شِهْ عَصَقَلِ اَمْ تَدَحَّ اَفَ، يَنْ مَدْ دِي قَتَسَتْ اَهْرَجَحَ
يُئِئَسِّنَلِ اَهْ اَوْرُ كَحْ صَيَّ

Абу Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоҳу анҳо:

«Бир куни Савда бизникига зиёратга келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан унинг ўртамизда ўтирдилар. Ул зот бир оёқларини менинг қўйнимга, иккинчи оёқларини унинг қўйнига ташлаб ўтирар эдилар. Мен ҳарийра пишириб келдим ва Савдага:

«Егин», - дедим.

У кўнмади.

«Агар емасанг, юзингга суртаман», - дедим.

У яна кўнмади. Мен лагандан бир оз нарсани олдим-да, унинг юзига суртдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оёқларини унинг қўйнидан олдилар. Унга мендан ўч олишга шароит яратдилар ва:

«Сен ҳам унинг юзига сурт!» - дедилар.

У лагандан бир оз нарса олиб, менинг юзимга суртди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулар эдилар...»

Насайй ривоят қилган.

(Давоми бор)

«Бахтиёр оила» китобидан